

ФАНО МАҚОМИДА ЙОЗ БЕРАДИГАН ҲОЛЛАР ТАЛҚИННИ
Шахноза Абдимуминовна ҚАХХОРОВА
филология фанлари номзоди
доцент
Карши давлат университети
Карши, Ўзбекистон
Qahhorova7331@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада фанонинг мақом ёки ҳол эканлигига аниқлик киритилган ҳамда Алишер Навоий лирикасида фано мақомида юз берадиган ҳоллар талқини хусусида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: солик, мақом, сулук, фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд, унс, нафс, нафси аммора, тавҳид, жамъ, тафриқа, сахф, сукр.

ПСИХОЛОГИЕЧСКИЕ СОСТОЯНИЕ ЛИРИЧЕСКОГО ГЕРОЯ В СТАТУСЕ ФАНО

Шахноза Абдимуминовна ҚАХХОРОВА
Кандидат филологических наук
доцент
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан
Qahhorova7331@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматривается что такое фано, статус или психологическое состояние и трактовка событий, происходящих в статусе фано в лирике Алишера Навои.

Ключевые слова: странник, стоянки, странствие, небытие, вечность, близость, дружба, душа, душа, склоняющая ко злу, единство Божье, собирание воедино, разъединение, духовная трезвость, духовное опьянение, упоенность.

Бугунги кун навоийшунослари шоир ижодида тасаввупнинг бадиий талқини масаласи ҳали тўлиқ илмий ечимини топмагани, мунозарали жиҳатлари кўп эканини таъкидлайдилар [1;3]. Шоир ижодидаги марказий, қолаверса, энг йирик ва мураккаб тушунчалардан бири – фано ана шундай масалалардан биридир. Зоро, “Навоий ижодиётини яхши билиш биринчи галда кенг маънодаги навошунослик ва фановашлик сирларини ўзлаштироқдир” [10;21].

Масалага чуқур киришишдан аввал яна бир жиҳатга – фанонинг мақом ёки ҳол эканига аниқлик киритишга тўғри келади. Манбаларда бу борадаги

фикрлар жуда хилма-хил экани унинг моҳиятини англашда мураккаблик пайдо қиласди. Масалан, Ибн Арабийда фано тушунчаси, асосан, ҳол сифатида тилга олинса, Марказий Осиё ҳалқлари вакиллари томонидан форс тилида ёзилган тасаввуфга оид илк манба ҳисобланувчи Мустамлий Бухорий (968/1970–1043)нинг “Шарҳ ат-таъарруф” асарида *унс, фано, баҳо* кабилар баъзи ўринларда мақом, баъзида эса ҳол сифатида таърифланади [15; 16]. Тасаввуфга доир бошқа кўплаб манбаларда ҳам шундай қоришиқ ҳолат кўзга ташланади [11;11]. Алишер Навоий “Лисону-т-тайр”да фанони етти водийдан бири, яъни манзил – мақом сифатида келтиради. Бу масалада бизда икки хил қараш мавжуд.

Дастлабки қараши. Фано ҳақида кўплаб тасаввуф манбаларига, қолаверса, Навоийнинг бадиий талқинига таяниб, фано мақом – манзилнинг номи ҳамда соликлар бу манзилга етганларида фанонинг турфа ҳоллари – *фано фииш-шуҳуд, фано фил-қусуд, фано фил-вужуд, фано фил-ишиқ, фано фил-пир, фано фииш-шайх, фано фирм-расул, фано фит-тавҳид, фанофиллоҳ* кабиларни ҳис қиласдилар, деган хulosага келдик.

Иккинчи қараши. Манбаларда келтирилишича, “ҳол соҳиблари икки қисмга ажратилган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум – талвин соҳиблари, яна бошқа бир тоифалари ҳолига ҳоким – сахв ва тамкин вакиллари бўлишган. Биринчи тоифага “Абноъул аҳвол” (ҳол болалари), кейингиларига “Абоъул аҳвол” (ҳол оталари) дейилган... Ҳоллар Оллоҳ таолонинг жўмардлиги ва лутфидан, мақомлар эса жаҳд ва ғайратидан ҳосил бўлур. Мақом соҳиби мақомида тамкин соҳиби эрур. Ҳол эгаси эса ҳоли ичида тинимсиз юксалиш ҳолатидадир” [9;150]. Ушбу фикрларга чукурроқ назар солинса, фано – ҳолига маҳкум (талвин соҳиблари)лар учун – ҳол, ҳолига ҳоким (тамкин вакиллари)лар учун эса мақом экани англашилади.

Навоий лирикасида фано талқинига қўра, фанода турфа ҳоллар юз беради. Бу мақомнинг ҳайбати шу даражада юксакки, унда шерлар чумолича ҳам эмас. Гарчи шундай хавфли ва ваҳимали бўлишига қарамай у сари қадам

қўйишига қўрқмаслик керак. Фанога қадам қўйганлар, яъни ахли фано бу ёбоннинг гардидан ҳам шараф топадилар:

Дашти фаноки мўрча йўқ шерларга саф,

Гарчи маҳуф йўлдурур, эт азму лотахаф.

Гар шердурки, мўрча йўқтур ҳисоб анга,

Ким топмади кўзи бу ёбон гардидин шараф [5;308].

Таъкидланганидек, фано шундай бир мақомки, унга етишда машаққат кўп, синов бисёр. Аввало, кўнгул ранж чекмоғи даркор. Шоир бу ҳикматни ақд ва тамсил бадиий санъатлари ёрдамида шундай ифода этади:

Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж

Ки, ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж [3;113].

Тасаввуф тарихида фано мақомига етганлар орасида бой-бадавлат кишилар бўлгани ҳам маълум. Шу сабабли баъзи ғазалларда учрайдиган “Шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳики бор...” каби мисраларда шоирнинг шоҳ ва дарвешни бирлаштириш ғояси мавжудлиги қўзга яққол ташланади. Шунингдек, шоир *фано мақомига еткан* соликка ҳам “молдин зиён, жоҳдин нуқсон йўқ” эканини алоҳида таъкидлайди:

Солики озодани кўрсанг ғаний, қилгай дебон

Мол анинг манъи сулуки қилмагил инкор анга.

Кема тийри мол аро бўлмиши муқайяд демагил,

Кўрки, онча мол ўлурму мониъи рафтор анга [3;707].

Фанонинг туркча ифодаси “ўзидан кечмоқ” бўлади. Унинг зидди сахв, бақо, хузурдир. Ўзидан кечганинг ташқи дунё билан муносабати йўқолгани каби, ўзи билан бўлган алоқаси ҳам йўқолади. Яъни бу мақомда солик икки дунёдан кечади:

Икки дунёдин кечиб ёр истаган топмиши висол,

Эй Навоий, келки йўқтур эҳтимоли ўзгача [4;554].

Бу каби қатор машаққатларни босиб ўтиб фано мақомига етган соликда турфа ҳоллар юз бера бошлайди. Улардан бири *фано фил-қусуд* – истаклардан фоний бўлмоқ. Қулнинг ўз иродасини йўқ этиб, унинг ўрнига

Илохий иродани касб этмоғи, яъни бутун ҳаракатларини, ўз ирода орзусига кўра эмас, Аллоҳ таоло иродасига кўра амалга ошириши фано фил-қусуддир. Яна бир ҳол эса – *фано фииш-шуҳуд*дир. Бунга ваҳдати шуҳуд мартабаси дейилур ва у “ла машҳуда иллаллоҳ” сирри ўлароқ қабул этилади [16;109]. Бу тушунча сўфийнинг Оллоҳдан ўзгасини, яъни мосиваллоҳни кўрмаслигини анлатади:

*Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосиваллоҳни фано кўрган кунин мийъод бил [3;385].*

Зоҳид жаннат умиди, дўзах қўрқуви билан яшаса, солик Оллоҳдан ўзга барча ғамдан фориғ, фароғатда:

*Зоҳиду учмоқу томуғ бийми била умидиким,
Аҳли фанога мосиваллоҳ гамидин фароз эрур [6;202].*

Фано даражаларидан яна бири *фано фил-вужуддир*. У борлиқда фано бўлишни англатади. Яъни ҳар нарсада Аллоҳни кўрмоқ, билмоқ. Бу ҳолга завқ билан этишилур ва унга эришганлар “ла мавжуда иллаллоҳ” дейдилар [16;109]. Бу ҳол Навоий ижодида Мажнун образи орқали ёрқин ифода этилади:

*Ҳарён назар этса ошкоро,
Лайли назарида жилваоро [7;130].*

Тасаввуфда *фано фил-пир* тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у пирда фоний бўлмоқ маъносида келади. Яъни солик унда бутун борлиғини пирнинг маънавий борлиғида йўқ этади. Пир – муриднинг боғланган тариқатида илк раҳнамо, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг йўлларидан кетаётиб, у кишига ўхшашга интилаётган бир мўъминдир. Мурид эса унинг амалларига, авторига тақлид қилиб, сурат ва сийратда унга ўхшашга қасд қиласи. Муриднинг мақсади айни комилликка эришмоқдир [16;109]. Ва албатта мурид фано сиррини пири комилдан англайди:

*Шайх ила аҳли риёву дайр пири бирла ринд
Ким, фано ичра керактур пирнинг ишоди кўп [5;72].*

Фано фииш-шайх атамаси ҳам худди юқоридаги маънони англатади. Яъни солик кўз ўнгига тариқат шайхи, дайр пири комил мусулмон тимсолидир. Солик уларга тақлид этаркан ўз сурат ва сийратини йўқота боради. Мартаба жиҳатидан фано фил-пир (фано фиш-шайх)дан сўнг *фано фир-расул* келади. У Расулуллоҳда фоний бўлмоқ, яъни муриднинг бутун борлигини Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шахсиятларида йўқ этишидир. Тасаввуф аҳлининг барчалари Набий алайҳиссаломнинг хулқ ва сифатларини ўзларида жамъ қилишга қасд қилганлар:

*Навоий, набий наътидин жамъ қилғил,
Париион эса хотири ҳарзагардинг [6;343].*

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, тасаввуфшунослар муршид, пир даражасидаги киши ҳақида ҳам сўз юритиб, у Аллоҳнинг ахлоқини ўзида татбиқ этган бўлиши, яъни энг камида фано мақомига етган бўлиши шартлигини таъкидлайдилар [16;245].

Фано фил-ишиқ ишқда фоний бўлмоқ маъносини англатади. Вужуди мутлақ айни замонда камоли мутлақ, жамоли мутлақ ва хайри мутлақдир. Жамол ишқни пайдо қиласи ва ишқсиз бўлмас. Дунёдаги ҳар гўзал мутлақ гўзалдан бир парчадир. Шу сабабдан гўзал бўлганни севмоқ Жамоли Мутлақни севмоқ демақдир. Фано фил-ишиқ шу назариядан келиб чиқади. Бу фанофиллоҳ мартабасининг илҳомидан пайдо бўлган бир фикр, ақида, манзилдир [16;108]. Ҳар нарса энг сўнгида Вужуди Мутлакқа қовушгани каби ишқнинг сўнгги ҳам висол билан якун топади.

*Фано баҳрига чўммоқдин гараз толибқа васл ўлди
Ки, гаввос ўлмакига гарқ ўлуб, гавҳар эрур боис [5;95].*

Маъшуқнинг гўзаллигига Жамоли Мутлақни сезган ошиқ ўз руҳини даражама-даража поклаш орқали фано фил-ишиқ мартабасига етади. Шу сабабли фано дарсгоҳидаги асосий илм – ишқдир:

*Ишиқ эрмиши асли илм фано дарсгоҳида,
Аҳли усул ҳар неки дер сар-басар фуруъ [5;296].*

Фанофилоҳ – Оллоҳда фоний бўлмоқ. Қулнинг зот ва сифати Оллоҳнинг зот ва сифатида фоний бўлиши. Дунё билан муносабатлардан бутунлай воз кечиб, Оллоҳга йўналмоқдир. Бу йўналишда истиғроқ ҳоли юз беради. Сўфий бу мақомга эришмоқ учун ҳар нарсани тарк этади. Гўё бир марҳумнинг дунёни тарк этгани каби. Буни “ўлмасдин бурун ўлмоқ” дейдилар. Ўлган киши қандай Оллоҳга қайтса, бу мақомга келган киши ҳам Оллоҳга восил бўлади, Унга қайтади. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.) “тирик ўликни кўрмоқ истаган Абу Бакрга боқсин” демишлар [16;108-109].

Фанофилоҳнинг бошланиши сайрилаллоҳдир. У сулукнинг тўрт мартабасидан илкидир. Солик зикр йўли билан юксалиб бораркан, бунинг сўнги валояти суғро (кичик валийлик), яъни фанофилоҳдир [16;302]. Шу сабабли Навоий зикрга жиддий эътибор беради:

*Тенгри зикриким, малойикка гизои руҳ эрур,
Бу гизони Ҳақ йўлига кирган элга зод бил [3;385].
Навоий айтур эмиши дайр аро санам зикрин,
Бу исм зикрига ким қилса майл бисмиллаҳ [3;556].*

Сўфийларнинг фанога интилишларидан асосий мурод шуки, унда ҳижрон бартараф бўлиб, висол юз беради:

*Кўнгул, қайғурмаким, дашиб фанога борғудектурмен,
Ҳам ўзни, ҳам сени ҳажр илгидин қутқарғудектурмен [6;498].*

Ҳажр илкидан қутулиш ҳамда васл кишварини ватан қилиш учун фано йўлига кириб хонумондан кечиши талаб этилади:

*Навоий, айлагасен васл кишварини ватан,
Фано йўлига кириб, тарки хонумон қилсанг [6;344].*

Фано мақомида солик, аввало, руҳий камолотга эришади. Қанчадан-қанча манфаат топади. Фанодан етадиган энг катта нафъ, фойда – ўзлукдан халос бўлиш, ўзлук қатида яшириниб ётган барча нопокликлардан халос бўлишдир:

*Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос [3;292].*

Фано гүё бир доридирки, шу биргина дори билан риё, ҳасад каби касалликлар, иллатларни дафъ этиш мумкин:

Риёву ужбу ҳасад дафъин эт фано билаким,

Кетар бу дору ила мунча муҳталиф амроз [3;297].

Зеро, Расулуллоҳ (с.а.в) риё ва ҳасадни қаттиқ қоралайдилар. Қолаверса, солик фано дайрида ақлу дин ташвишидан буткул фориг бўлади:

Эй, Навоий, токи бўлмишмен фано дайрида маст,

Ақлу дин ташвишидин фориг тарона айларам [6;434].

Фанога етган кишига фоний дунёга алоқадор ҳеч нарсанинг қиймати қолмайди:

Жанда бирла киши дарвии эмас, бўлса фано

Тенгдурур хоҳ палос ўлса тўнунг, хоҳ ипак [3;351].

Бундай кишининг мартабаси шу даражада юксаладики, у фано аҳли сафидан жой олади. Фано аҳли эса малаклар узра қадам босиб ўтади:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлгилким,

Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох [3;128].

Ана шу сабабларга кўра, фанонинг қиймати шунчалар юксакки, фано дайрида сойиллик сultonликдан ортиқ:

Фано дайрида сойиллиқни сultonлиқдин ортуқ тут

Ки, ўлмакликда тенгдурлар агар сойил, агар сulton [6;455].

Таъкидлаш керакки, ҳоллар жуфт-жуфт келади: қабз ва баст, сукр ва саҳв, фано ва бақо [16;21]. Демак, фанодан кейин бақо юз беради. Унга фанога чиқмасдан эришиб бўлмайди:

Бирор етти сангаким ўзлуги даштини тай қилди,

Бақо истар киши аввал керак қиласа фано пайдо [4;8].

“Иброҳим б. Шайбон демишки, фано бақо илми, бирлик (Ваҳдоният) самимияти (ихлоси), тўғрилик бандалиги атрофида ҳосил бўлади” [13;112]. Шу билан бирга, фано – бақога ўтишда тариқатнинг сўнгти босқичи. Бу хусусда тасаввуфга оид назарий манбаларда жуда кўп таъкидланган [12;351], [2;202]. “Ғаройибу-с-сигар”даги учинчи қитъа сарлавҳасида ҳам шоир фано

шарбатининг заҳри қотил экани, аммо бақойи абад нуши ундан ҳосил бўлишини айтиб ўтади:

“Фано шарбати бобидаким, таъми заҳри қотилдуру бақойи абад нуши ул заҳрдин ҳосил”

*Фонийи мутлақ ўлмайин солик,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл.
Қора туфроқга синмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул [3;706].*

Демак, буюк Алишер Навоий лирикасини тадқиқ этиш орқали тасаввуфдаги йирик масалалардан бири – фанони, кенгроқ олганда, ижодкорнинг фанодаги мақоми, фанога эришиш шартлари, фанода содир бўладиган ҳоллар хамда фанога алоқадор бошқа кўплаб тушунчаларнинг моҳиятини чуқур англаш, қолаверса, бу мавзуни бадиий гавдалантиришда шоир кенг фойдаланган образлар, поэтик воситалар, умуман, ижодкорнинг поэтик маҳорати ҳақида муҳим илмий-назарий хуносаларга келиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жабборов Н. Маоний ахлининг соҳибқирони: монография. – Тошкент: Адабиёт, 2021. – 256 б.
2. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннахр-Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
3. Навоий, Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 804 б.
4. Навоий, Алишер. Наводир уш-шабоб. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 768 б.
5. Навоий, Алишер. Бадоев ул-васат. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 764 б.
6. Навоий, Алишер. Фавойид ул-кибар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – 840 б.

7. Навоий, Алишер. Хамса. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 7-жилд. – Тошкент: Faafur Fулом, 2011. – 696 б.
8. Раҳимов К. Мовароуннахр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII – XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020. – 400 б.
9. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънвият, 1998. – 160 б.
10. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 4-китоб. – Тошкент: Tafakkur, 2021. – 240 б.
11. Damral Bashirov. Tasavvufta ölüm. Yüksek lisans tezi. – Bursa: 2021. – S.52-53.
12. Ibrahim Baz. Abdülehad Nûrî-i Sivâsî'nin hayatı, eserleri ve tasavvufi görüşleri: Doktora tezi. – Ankara, 2004. – S.351.
13. Kuşeyri. Tasavvufun ilkeleri (Risale). 1-ketap. İstanbul: 1978. – S. 112.
14. Metinlerle Tasavvuf Terimleri Sözlüğü. – İstanbul: Kalem Yayınevi, 2006. – S.161.
15. Muhyiddin İbn Arabî. Fütuhat-ı Mekkiyye. 8-ketap. – İstanbul: Litera yayincılık, 2007. – S.288.
16. Ethem Cebecioğlu. Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü. Ağaç Kitabevi Yayınları, 2009. – S. 109.